- Лекин бечорага бугун ачини кетдим, бахтсиз экан. Менга: "Насиба... Сизга, оилангизга ҳавасим келади, фарзандларингиз эсли-хушли, эрингиз уйим-жойим дейдиган. Мен эса... ўз бахтимни ҳурқитиб юборган эканман", - деб йиглаб юборди.

- Э-э-э-й-й... хотин, бўлди қилгин, бунақа гапларни! Бу ҳақда бошқа гапирганингизни эшитмай!

Шу куни ухлаш қаёқда дейсан, эрталабгача мижжа қоқмай чиқдим.

Орадан уч кун ўтди. Машинамда мактаб ёнидан ўтаётганим, йўлнинг четида кетаётган Хосиятга кўзим тушди. Аста ёнига бориб тўхтадим, у хайрон бўлди. Мен машинадан тушиб: "Салом, Хосиятхон, яхшимисан", - деб сўрашдим. Хосият саломга алик олди-да, нигоҳини олиб қочди.

- Йўл бўлсин?

- Уйга кетаялман.

- Уйинг қайси томонда?

- Сабзорда.

- Буни қара, мен ҳам ўша томонга - Чорсуга кетаётган эканман. Утир, ўзим олиб бориб қўяман.

Унинг хижолат тортиб: "Йўқ,

рахмат, овора бўлма, ўзим етиб оламан", - деганига қарамай: - Овораси бор эканми? Утир, олиб бориб қўяман, барибир йўлимиз бир. Чорсу бозоридан ул-бул харид қилишим керак эди, сени йўлда ташлаб ўтаман, - дедим яна.

Хосият ноилож машинага ўтирди. Йўлда кетаётиб гап бошладим.

диган яхши гапнинг ўзи йўқ. - Нега ундай дейсан? Ахир ўзинг орзуларингиздагидек жойга турмушга чиққан бўлсанг. - Ҳа, гапнинг тўғри, мен орзуимга етишгандек эдим, - дея ўз ҳаёти ҳақида паришон сўзлай бошлади у - Турмушга чиқдим, кунлар ўтиб, бир қизчалик бўлдим. Исмими Наргиза қўйдим. Ширин ҳаёт

ман. Хурсандлигим узоққа чўзилмади. Эрим анча ўзгариб қолди. Атрофида ҳар-хил нотаниш улфатлар ҳам кўпайиб қолди. Ҳамма унга тилеғламачилик қиларди, у эса ўзига жуда бино қўядиган бўлди, ичкиликка берилиб кетди. Уйимизда ҳар куни жанжал. Ҳатто менга қўл кўтарар бошлади. Мен эса, "Хаммаси ўтиб кетади", - деб чиқардим. Лекин эрим менинг ҳам, ота-онаси-ю, қариндошларининг ҳам гапига қулоқ солмасди. Ичкиликка баттар берилиб кетди. Охири ишдан четлатиб юборишди. Уйдаги аҳвол ҳам тобора хунук тус ола бошлади. У энди уч йил аввал мен билан ахду паймон қилган турмуш ўртоғим - Аброр ака эмасди. Кечалари ёстигим йиғидан жикка хўл бўларди. Бир куни уч ёшли қизим Наргиза маст ҳолатда кириб келган адажонисининг олдига қучоқ очиб югуриб борди. Ўзи зўрга оёқда турган адаси эса ўзини ушловмай йиқилиб

- Сўнг иккинчи марта турмуш қурдингми?

- Биринчи эримдан аж-рашганимдан сўнг олти йил онамникида яшадим. Кейин иккинчи эримга теғдим. Ундан икки қиз кўрдим. Энг кенжаси бир ёшлигида адаси автохалокатга учради. Шундан бери ёлғизман. Бу кўргуликлар етмагандай, укам тўхматга қолиб, одам ўлдирганликда айбланди. Ота-онам ҳовлини сотиб, укамнинг қамалмаслиги учун роса ҳаракат қилишди. Лекин ҳеч ким ёрдам бера олмади. Бечора ўн тўрт йилга қамалиб кетди. Онам бир ёқда менга қўйса, бир ёқда укамнинг дардида қўйиб, қазо қилди. Назаримда оиламиз ғам-қайғу жаласи тағида қолиб кетгандай эди. Хосият яна тўхтамай, йиғлашга тушди. Унга жуда ачини кетдим.

- Кечир, мени, Хосият. Шунча ғамларинг борлигини билман, ярангни янгилаб қўйдим.

- Йўқ Ботир, сен мени кечир. Самимий севгингни қадрига етмаган бадбахтни кечир. Нега йилдан бери ёшликда қилган хатоимнинг жазосини тортиб келаялман. Севгини хўрлаган инсонни севгининг ўзи хўрлар экан. Бунга ўзим шохид бўлдим. Пул-бойлик ўткинчи нарса экан. Эримнинг ҳам, ота-онамининг ҳам бойлиги исзис йўқолиб кетди.

- Хосият...

- Ҳа...

- Сендан бошқасини, сени севганчалик севмаганман, сенда ҳали ҳам кўнглим бор...

- Йўқ, Ботир, энди кеч бўлди. Сенинг бахтли ҳаётингга тўғаноқ бўлишни истамайман, - деб кўз ёшларини артиб, машинадан тушиб кетди.

Ботир ака навбатдаги сигаретни тутатиб:

- Сенга маслаҳатим, кўнглишига эҳтиёт бўл, адашма. Сен ҳамда алдаган ҳам, алданган ҳам қаттиқ изтиробда қолади, - деди оғир хўрсиниб.

Мен Ботир аканинг ҳикоясидан жуда таъсирландим. Чунки Ботир аканинг қалбида унган ягона қизил гул япроқлари, батамом тўқилмаганини унинг изтироби кўзлари сездириб турарди...

**Асрор КАМОЛОВ**  
Тошкент шаҳри

# ЎЗГУЛИК ТОҒИЛАТИ



# ҚУЗУГА ТУШ...

- Қалайсан Хосият? Яхши юрибсанми? Нега мендан ҳали ҳам ўзингни олиб қочаясан?

- У машина ойнасидан кўчага қараб жим кетардим.

- Ҳали ҳам менсимаслигинг қолмабди-да? - Бу гапим унга таъсир қилди шекилли нигоҳини ерга тиккан ҳолда:

- Йўқ, Ботир, ундай эмас, аксинча, мен сени ҳурмат қиламан, - деб кўзига ёш олди.

- Нега бўлмаса саволимга жавоб бергинг келмайди?

- Чунки, ўзим ҳақимда, турмушим ҳақида, гапиришга арзий-

кечирардик. Наргиза 2 ёшга тўлганида, эримнинг лавозимини кўтариб, бошлиқ қилиб қўйишди. Аввалига жуда хурсанд бўлдим. Ҳар куни совғасалом, ҳар куни байрам. Иккимиз ҳам, ишларимиз юришиб кетганидан хурсанд эдик. Айниқса, мен тунги осмондаги юлдузларга қараб, ўз кўнглимда "Мен бу бахтга ҳақлиман", - деб керилиб юрардим. Лекин ўша юлдузларга қараб, ҳатто ёруғ юлдузлар ҳам катта тезликда қулаб тушишини ҳам сезмаган экан-

кетди-ю, кўлидаги ароғи синди. У аблаҳ: "Адажон, туринг, сизга нима бўлди?" деб парвона бўлиб турган жигарбандининг юзига тарсаки тортиб юборди. Наргиза нарига учиб тушди. "Нима қилиб қўйдинг, ифлос?", - деб сўқина кетди. Йиғлаб ётган қизимни бағримга босдим. Ўша ҳолат сабр-косамни тўлдириб юборди. Кийимларимни олиб қизим билан онамникига кетиб қолдим. Шундай қилиб, биринчи эрим билан ажрашиб кетдик.

Ҳа, мен аллақачон муҳаббат манзилдан узоқлашиб кетдим. Кетибман-у юрагимнинг нозик лавҳаларини армон дея аталмиш буюк ҳукмдорга қўл эканимни сезмай қолибман.

Ишон, мен сени бахтиёр этишни, бахтли кўришни ўзимнинг ягона ширин хаёлий орзуимга айлантиргандим. Афсус, бунга истамадиган. Балки истагандирсан ҳам, лекин менга ҳеч қачон сездирмасдинг. Ўзингни менинг олдимда ўзгачароқ намоён этишга тиршардинг. Аммо менга энди ўзингни қандай тутишининг аҳамияти йўқ эди, чунки қалбимда эртақдаги шаҳзодалар эгаллаган ўринни эгаллаб улгургандинг. Сенга шунчалик қаттиқ боғланиб қолган эдимки, бу боғлиқликни ҳеч ким, ҳеч нарса, ҳеч қачон узолмаслигига кўзим етарди. Бу йўлда ҳеч ниманинг қурби етмаслигини теран англабман-у, сенинг, ўзингнинг борлигингни нуғитибман. Нима бўлган тақдирда ҳам мен бахтли эдим ва ана шу неъматнинг ширин хаёллари билан тоабат бирга қоламан.

Ҳаётимдан, сени учратганимдан нақадар бахтиёрман. Қалбимдаги абадий севгим билан яшаш нақадар тотиб бахт! Йўқ, хавотирланма, мен энди севгимизнинг ўша сўлим боғларига ҳеч қачон қайтиб келмайман. Чунки ўзга оламларга кетиб бўлдим. Эсингдами, бирга тинглаган қўшиқларимиз, бирга ўтказган ажиб онла-

умуман ўзга менга ёт бўлган дунёсан. Мен фақат ҳаёлимдаги ўша инсонни бир умр севаман ва у сунгги нафасимгача мен билан яшайверади. Мен сени қандай бўлсанг шундайлигингча севардим. Гоҳ-гоҳида сен учун неларга қодирлигимдан ўзим ҳам кўриб кетардим. Ўша кўрқинчлар бугун бизни бир



ки, ана шу бахт, ўша ширин онлар унинг бутун ҳаётини нурафшон этишга қодир. Нима бўлганда ҳам, сен менинг ҳаётимни ўзинг билмаган ҳолда маъноларга тўлдиригандинг. Ана шуларнинг барчаси учун сендан бир умр миннатдорман. Эҳтимол, сенинг ҳаётингда сезиларли из қолдирмагандирман, аммо бирга ўтказган чоғларимизни эслаганимда ҳеч бўлмаса бир бора қулиб қуярсан. Мендек, нодон бир қизнинг телбаларча севганимни хотирлаганимда юзингга илиқ бир табассум югурса - ана шу менинг бахтим. Демак, ҳаётда сенинг бир бора жилмайишингга аризулик бирор иш қилишга улгурибман.

Йўқ, мен сендан кечирим сўрамайман. Чунки сен қалбимдасан, сен мендаги ўзимсан.

**Кечир, сендан бутунлай кетдим, Орта энди қайрилимасман ҳеч. Ҳижрон, кўз ёш - буларни нетдим, Не қилсак ҳам энди бўлди кеч.**

Гулнора ИММОБЕРДИЕВА  
ТашГУ талабаси

# КЕЧИП, СЕНДАП БУТУНЛАЙ КЕТДИМ...

римиз. Улар менинг дунёимда, ҳаёлий оламимда яшайверади. Фақат бир нарсадан қўрқаман - бу сенинг нигоҳларинг. Энди сенинг нигоҳларинг олдида тиз чўкмасликка ҳам ўзимда куч топаман. Сенинг қарашингдаги сеҳрловчи ўша боқишлар энди ўз кучини йўқотди. Энди сен

умрга айирди. Мен сени ҳам, ўзимни ҳам айбламоқчи эмасман. Бир хотирлагин-а, бизнинг танишимиз антиқа эди, мана бугун айрилишимиз ҳам ўзгача. Биласанми, инсон ҳаётда бир умр бахтли яшамаслиги мумкин, лекин у умрининг қайсидир лаҳзаларини шуқадар бахтиёр ўтказадим

Камола қайнонаси вафот этганидан бери ўзига келолмайди. Қанчалик ўрганиб қолган экан-а! Улар худди она-боладек, бир-бирларига ўхшаб ҳам кетишарди. Камола қайнонаси кийган кўйлакни тортинмасдан уйда кийиб юрарларди. Уларнинг бўй-бастрлари, қомат тузилишлари, ҳатто қуюқ қора сочлари шу қадар ўхшаш эди-ки, уларни илк бор кўрган одам она-бола деб ўйлаб қолишарди.

Қайнонаси вафот этганидан бери йиллари ҳувиллаб қолди. Камоланинг қизлари Нигора ва Мунисалар боғчадан кела солиб

- Тезда етиб келинлар, аҳволлари оғирлашди.

Хамширанинг ҳавотирли сўзлашидан Камоланинг аъзойи бада-нига титроқ туриб, бўшашиб кетди.

Шошиб касалхонага отланиб турганида яна телефон жиринглади. Хамширанинг бўғиқ овози эшитилди:

- Нурхон опанинг жонлари ҳозиргина узилди, тезроқ етиб келинлар...

Камола доллаб юборди.

Одамзоднинг вақти қазоси етиб келса уни ҳеч ким олиб қололмайди. Атиги уч кунгина касалхонада ётган қайнона-сига ўзи қараб, ўзи сув томизиб ўтирса бўлмас-миди? Ана шу нарса Камолага бир умр армон бўлиб қолди.

Барча таъзия маросимлари бўлиб ўтди. Камола ўзи хамшира бўлиб ишлайдиган боғчага етиб келганида юраги алланечқун ўвишиб кетди. Энди, ишдан қайтганида: "Келдингизми, болам", - дея илиқ кутиб оладиган қайнонаси йўқ энди...

Тушлик пайтида ҳамон унинг маҳзун кайфиятдан чиқиб кета олмаётгани

овунди, кечга томон уйга қайтишини ўйлаб, яна юраги увушди, ана илож. Ёш боши билан қайнонаси, эри, етим қолган қайниларининг кўнглини кўтариш қанчалар қийин. Бир ўзи катта рўзгорни қандай эплайди? Овсини алоҳида, ўз ташвишлари билан оёра, кичик қайнисини эса ҳали уйланмаган. Олтмишга тўлмай қайнона ҳам бева қолди. Қайнонаси ётган жойида оилани бошқариб тургани, барчага билиб-билиб муомала қилганларининг қадри ўтаятти энди. Боғбонсиз қолган боғдек оилалар тўзиб кетса-я. Камоланинг юраги орқага тортиди. Хавотирли ўйлар исканжасида кундузги толиқишлари устун келиб, ухлаб қолди.

У туш кўра бошлади. Қайнонаси ўйларига келганмиш, суюниб кетган Камола уни ўтқазига жой топа олмасмиш.

- Болам, кўпам қуюнаверманг, мен сиздан розиман, ювиб-тарандигиз, дори-дармонларимни вақтида бериб, кўнглимни кўтариб келдингиз, илоҳим, ўғлим билан қўша қаринг, - деб дуо қилармиш.

- Ойижон, биз сизни жуда соғинганмиш, биз билан қолаверинг, қола қолинг, ойижон, - дея зорларанармиш Камола.

- Йўқ болам, мен энди оромимни топдим. Хайр, омон бўлинглар.

Шундай деб қайнонаси орқасига қарамай кетиб бораётган эмиш, Камола эса: "Ойижон, кетманг, бизларни ташлаб кетманг!" - дея йиғлаб илтиҳо қилармиш...

Эрталаб ўз овозидан ўзи чўчиб, уйғониб кетди. "Ойижон, кетманг, бизларни ташлаб кетманг!" - деганча йиғлаб ётарди. Камола кўрган тушини бир-бир кўз ўнгидан ўтказди.

Камоланинг кўнгли таскин топгандек бўлди. Вужудига энгил, оромбахш титроқ уйғонди. Қайнонаси ундан рози экан. Лекин хамиша ҳам унинг кўнглини топа биланмакан? Тўғри, баъзан ораларида англашилмоқчиликлар бўлган. Лекин қайнонаси вақтида танбех берарди-ю, кек сакламасди, худди дугоналардек келини билан сирлашарди.

Камола дераза олдига келиб, пардани сурди. Аҳиб бир шуқуқ билан тонг отиб келарди. Камола эса вужудига, қалбига келган энгиллик билан оила аъзоларида нонушта тайёрлашди...

### Турмуш сабоқлари

талиққа чалинган экан, орадан бир ҳафта ўтар ўтмас улар ажралишди. Бахтиёрнинг аламзада опалари уни иккинчи бор уйлантиришга ҳам янглишдилар, чимилдиққа лойиқ қиз эмас экан. Унинг жавобини бериб юборишди. Шундан кейин Бахтиёр қизлардан безиб кетди. Ҳатто ҳовлида юрган акаларнинг хотини ҳам унга хиёнаткор кўринарди.

Бахтиёр толган-туганини бева қолган аммасининг қизи Махфузазонникига таширди. Махфузазонник кичик қизи Шахноза эса кундан кунга ойдайд тўлишиб борарди. Йигитнинг кўнглидаги гурбурлар аста тарқаб, муҳаббат уруги ниш ура бошлади. Лекин ўртадаги катта фарқ қалбида ни очигиша монелик қиларди. Қиз эндигина йигирма ёшда, Бахтиёр эса ўттизгана оралаб қолган, бунинг устига икки никоҳни кўрганди.

Осмон никоҳи ерга тушса бандаси кўнмаи не илож, дейишди кексалар. Тўй таратдуллари бошланиб кетди. Катта ҳовлида кенжа қизи билан ёлғиз яшаётган Махфуза Бахтиёрни ичкўёв бўлиб келишига розилик билдирди...

Кўз ўнгимда қизнинг отаси Комилжон ва йигитнинг онаси Марҳамат опалар пайдо бўлишди. Комилжон гўё одамлар орасига қўшилиб кетган, юзидан табассум аримас, қўли кўксига, келган кетганлар билан илиқ муомалада бўлаётгандек. Марҳамат она эса ҳовлидаги катта тутга суюнган қўйи ўйчан нигоҳи билан ёшларни кузатиб тургандек туюлиб кетди.

Бир пайтлар гўё бўлимининг иккинчи никоҳимкан деб маъносининг савол берган бу аёлнинг руҳи ҳозир ўз ўғлининг учинчи никоҳ билан қиз олаётганини кўриб қанчалик қувонган экан? Шуларни ўйларканман, қувончдан энтикиб турган ёшларга бахтлари боқий бўлишини тилаб, умрларининг охиригача аҳил яшашларини яратгандан сўраб қолдим.

Соҳиба АБДУЛЛАЕВА

### (Боши ўтган сонларда.)

- Асли, буларни ичкарига киргазиш керак эди, - деди эрининг устидаги кўрпани тўғри-лаётган жувон.

- Сизга уйқу бермайди.

- Ия, нимага энди? - дедим ҳайрон бўлиб.

- Кейин била-сиз! - деди Дилбар ва ичкарига, хотини ва қизларининг олдига кириб кетди.

Муталим акаям худди шуни кутиб тургандек, бир хуррак отишни бошлаб бердики, тепамиздаги ўзим барглари ҳам титраб кетди.

Э, Худо, хотиним тагин боғда маза қилиб ётиб қоласиз, деб ўтирибди-ю!

Мен Муталим аканинг бошини бир-икки туртиб, хуррак фаворасининг кўзини беркитгандай бўлардим, аммо бир-икки дақиқалик сукутдан сўнг, хуррак жонвор янги куч билан қайнаб чиқарар эди.

Охири, битта кўрпача-ю, бистарликни қўлтиқлаганча ҳовлига тушиб, бир тарафларда кўришиб турган боғ тарафга қараб жўнадим. Унниҳоятда ойдан эди. Осмондаги ойга махлуё бўлганча занжирда ётган итнинг тепасига қандай бориб қолганимни сезмай қўлибман. Оёғимни ялашга тушганидагина, чўчиб ерга қарадим ва турган жойимда тахта бўлиб қолдим. Энди итнинг олдида кетишимни ҳам, қолишимни ҳам билмай, товуш чиқарсам бегоналигимни биллиб қолади, деган ҳақиқда қотиб турардим. Тунги чирилдоқларнинг чириллаши, ҳовлидан келаётган Муталим аканинг бақувват хурракларни омухталлашиб, оқшом симфониясига айлиб кетганди.

- Абдулла ака! Бу ерда нима қилиб турибсиз? - Дилбарнинг товушидан ўзимга келдим. - Айтдим-ку, хўжайиним сизни ухлатмайди деб.

Дилбар итнинг ялоғига ювчиндан қуйгандан сўнг, пешонамни қоплаган совуқ терни артиб, қўлтигимдаги кўрпаларни унга узатдим.

- Қаерга, жой солиб берай? - Дилбар шигил ҳосилдан шохлари эгилган олманинг тагида кўрпаларни қолдирди-да, катта қанор келтириб ёзиб, устига тўшақ ташлади.

- Илон-пилонлар йўқми? - дедим Дилбарнинг тепасида бундан саккиз йиллар олдинги ҳолатда турарканман.

- Илон?! Илонлар ўшаёқларда қолиб кетган, - Дилбар илондек саланглаётган сочини орқасига отганида уни юзимга тегиб, ёшлик йилларим эсимга тушиб кетди...

- Уятсиз, кўйворинг! - Дилбар қучоғимдан қичиб, ҳовли тарафга қараб олди-да, амр қилди: - Ётинг, қачи!

Мен кўрпанинг тагига кирдим. Дилбар шамолданми ё серҳосилликданми тўкилаган довуҷчадек хом олмаларни ердан олиб, қўлида пича ўйнаб турди-да, қоронғулик тарафга отаркан:

- Мана шу олмалар қани энди муштдай-муштдай бўлиб, туни билан сизни савалаб чиқса, - деди.

- Қўлдан қолганмисиз? - дедим Дилбарга. - Урганингиз ун оши деб чидайверман, уринг.

- Сиз худбин одамсиз, фақат ўз тинчлигингизни, хузуригизни



ўйлайсиз. - Дилбар чуқур хўрсинди. - Сизни уч-тўрт мартаба телевизордан чикқанингизни кўрдим. Қаерда ишлашингизни ҳам биллиб олдим. Аммо, олдингизни бормадим. Бир умр сиз учун йўқдай бўлиб ўтиб кетишим керак эди. Аммо, тақдирдан қочиб қутилиб бўлмас экан.

- Ҳеч бўлмаса, Хайдаралини бизга ўғил қилиб беринг, - деди Дилбарга - Эр-хотин папалаб, сизлардан кам қилмай катта қиламиз.

- Ўзи битта эрқатойдан зўрга қутулганимди, яна биттасини тай-ёрламоқчимисиз? Хотинингизга ачинганимдан, Худо яна бирор-тасини бериб қолса, сизларга берамиз. Аммо, ҳали акангиз бунга қўнадимми-йўқми, бунисини ўзларингиз келишасизлар, - деди.

- Бировнинг боласини нима қиламан? - дедим энсам қотиб.

- Сут билан қирган, жон билан чиқади деганлари тўғридан-да! Сизам беонанинг боласини тарбиялаб кўрардингиз! - Дилбар ўрнидан турди. - Бўпти, яхши ётиб туринг.

Дилбар ҳовлига қайтиб, кўрпалари сурилиб қолган болаларининг устини тўғрилаб, ичкарига кириб кетди. Мен Дилбарнинг гапларини, ўтмишга айланган биринчи муҳаббатим тақдирини ўйлай-ўйлай қўзим илдинди...

Эрталаб Муталим аканикидан қайтиш арафаси Хайдарали машинадан тушмайман, деб туриб олди.

- Болам, тоғанга ул бўласанма? - деди Мутал ака қафтига нос ташлаб.

- Мошинлари меники бўлади-ми? - Хайдарали отасининг тасдиқлаб, бош иргатганини кўриб, деди. - Унақада, майли!

Мутал аканинг ортида турган Дилбар ўғлимизга қараб лабини тишлаганини менгина эмас, Хайдарали ҳам кўриб қолди шекилли, дарров ерга тушиб, Мутал аканинг қўлидан ушлади:

- Ота, барибир сиз яхшисиз!

Орқага қайтар эканман, хотиним Дилбар билан оттирган тонгидан олган тассуротлари тўрисидаги гаплари қўлоғимга кирмасди.

Хотинимнинг турткилашдан ўзимга келиб, бирор муҳим гапини эшитолмай қолгандек: "Ҳа-а?!" - дедим.

- Мунча хаёлингиз жойидамас? Анови ашулани айтман, - хотиним радиодан таралаётган қишққча имо қилди. - "Уч бор кўнар бахт қуши йигитларнинг бошига", - деяпти!

- Ҳа, энди бу ашула-да! Бахт қуши қўнадим, учибам кетади... - дедим ва нимага бундай деганимни ўзим ҳам англамай, кўзларимни қоплаган ёшни хотинимга билдирмай сидириб ташладим...

Оллоёр БЕГАЛИЕВ



бувижонларининг олдига кириб боришарди. Бувижонлари ёстиги тагига яшириб қўйган қуртчи, ширинликми, набираларига таўтқазиб, чехраси ёришиб кетар, муттасил азоб бераётган орғилқарини бир зум унутарди. Меҳр тўла нигоҳи билан келиннга боқар, кўзлари киргоғида тўлиб турган ёшни бармоғи билан сидириб:

- Шу қизларнинг тўйини кўрсам эди... - дерди ўлкаси тўлиб. - Уч ўғлим бор, шуқр. Сиз қизимдек бўлиб кетдингиз, лекин буларни узатиб, набира қувалар кўрсам, қанийди...

- Ойижон, тузалиб кетасиз, ҳадемай баҳор келади, совуқда дардингиз зўрайди-да, - дерди Камола опатувачи оҳангда.

- Қанийди...

Курбон ҳайити арафаси кўни касалхонадан кўнғироқ қилиб қолишди:

кўрган дўхтир аёл урушиб берди: - Қутулганингизга шуқур қилсангиз-чи! Мана мен, уйга боришга безиллайман. Келин туширганимга қарамай, қайнонам мени ҳамон кенча тушган келиндек тегаргани тегарган. Чакаги тинмайди, шум кампирнинг, - деди у қошини чиқариб, - Яна кечкурун эрим келганида пичирлашиб гапласиз ўтиришларини айтмайсизми?!

Камола чуқур хўрсинди. Хона бурчагида қайнонасининг соғлом пайтидаги сиймоси кўринди. "Кўйинг болам, хафа бўлманг, ҳамма қайноналар ҳам бирдай эмас. Бу аёлнинг қуйганича бордир", дегандек жилмайиб турарди, гўё. Камола кўзларига қалқиб чиққан ёшни рўмончаси билан артди. Дўхтир аёл тўлиб-тошган ҳасрат-надоматларига яқун ясади:

- Ана шунақа, қайнонам мени адоий тамом қилади.

Камола кун бўйи иш билан

## ТАКАИР ЧИЗИҒИ

Тўй баъми қизигандан қизиб борарди. Келин-кўёвга қараб ўйга толман, уларнинг тақдирини қўшилганидан ҳайратга тушарман. Бундан йигирма беш йил аввал кўёвнинг онаси Марҳамат она мана шу хонадонга келиб, келин бўлиши Шахнозазоннинг онаси Махфузазоннинг уйларини "келинянга" сифатида ясаиб кетишганди. Ушандан Марҳамат она ўйна ясаиб бўлишганидан кейин аста пичирлаб бизга савол берганди:

- Айланай сизлардан қудажонлар, биз томонда совуқ гаплар оралаб қолди, кўёвмиз илгари уйланмаганимидилар? Бу биринчи никоҳларимен?

Ушанда мен ҳайрон бўлиб қолгандим. Қайнимнинг бирор қиз билан гаплашиб қўйганини эшитмаганман, ҳарбий хизматдан келиб икки йил тиним билмай ишлаб, йиққанга уйланаётганди.

- Йўғ-а, - деди қайнисинг хайрон бўлиб. - Бу гапни қаёқдан олдинглар? Укам уйланмаган, хотиржам бўлинглар.

Марҳамат она бу гапдан кўнгли бироз таскин топган бўлса-да, "қайдам..." - деганча ерга боқиб хаёлга толди.

Комилжон билан Махфузазоннинг тўйлари файзли ўтганди ўшанда. Афсус, Комилжонни бедаво дард ҳаётдан эрта олиб кетди. Икки қизи етим қолди. Марҳамат она ҳам болаларини етим қолдириб оламдан ўтди. Мана энди тақдир тақозоси билан Марҳамат опанинг кенжа ўғли Бахтиёр Махфузазонга ичкўёв бўлиб ҳовлининг тўрида келин билан савлат тўкиб ўтиришибди. Тўйга келганларнинг қанчаси ўтганларни хотирлаб йиғлаб олишди. Мен эса бу маҳзун кайфиятдан чиқиб олишга ҳаракат қилиб чуқур уйга толдим. Тақдир ўйинини қарангки, бир вақтлар кўёв бўлимининг иккинчи никоҳи эмасмикан, деб ташвишга тушган онахоннинг сувокли кенжа фарзанди ушбу хонадонга учинчи кўёв бўлиб кириб келди, яна ичкўёв бўлиб-а?!

Газетанинг 27-сонидagi Қашқадарё вилояти яшовчи 37 ёшли Д. исмли синглимиз билан танишмоқчиман.

Уй-жойим, шахсий машина бор. Маълумотим олий, нуфузли ташкилотларнинг бирида қисобчи бўлиб ишлайман. Д. менга хат ёзинг.

Б.НОРБОВЕВ

Сурхондарё вилояти, Кумкўргон тумани, Сайхон ш/х

Ёшим 28 да. Турмушга чиқиб ажрашганман. Сабаби, мени ота-онам мажбуран узатишган, турмуш ўртоғимни ёқтирмаганман. Кўп яшай олмадим. Касбим ўқитувчи, тиқиш-бичиш сеvimли машғулотим. Ҳар қандай оилавий шароитни эглаб кетаман. Мен ўқимишли, (1-2 боласи бўлсам майли) ичмайдиган, чекмайдиган, ёши 28-30 орасида бўлган йигит билан танишмоқчиман.

ШАҲЛО

Тошкент шаҳри

Ёшим 40 да, уйланмаганман. Халқимизда: йигит кишининг боши иккита бўлмай, моли икки бўлмас деган нақл бор. Ҳамма иш қўлимдан келади, ичмайман, чекмайман, топиш-тутишим чакки эмас. Лекин ҳаётимда

рўзғорни яхши тутадиган, виждони пок умр йўлдош етмайпти. Агар турмуш ўрмаган 25-28 ёшгача бўлган қиз бўлса тақдиримни боғлар эдим. Қарши ва Тошкент шаҳарларида яшашга ҳам розиман.

Камол МАЛЛАЕВ

Оиламизда тўнғич қизман. Ёшим 25 да. Келишган, ҳавас қилса арзигулик хусни бор. Компьютер - оператори бўлиб ишлайман. Қўлимдан ҳамма иш келади. Бўш вақтимда буюртма тортлар пашираман. Шу билан биргаликда ҳамширалик қиламан. Хали турмушга чиқмаганман. 26-32 ёшгача бўлган йигит билан танишмоқчиман. Моддий ва маънавий жиҳатдан тўлиқ таъминланган, уйим-жойим дей-

диган, иложи бўлса тошкентлик ёки Тошкент вилоятидан бўлса, уни бахтли қилишни, сеvimли, вафодор ёр ва шириндан-шакар болаларнинг онаси бўлишни орзу қиламан. Бахт мени кутиб турганига ишонаман.

Манзилим тахририятда. НИЛУФАР

Тошкент шаҳри



Мен 1974 йил Тошкент вилоятида туғилганман. 5 ёшли қизим бор. Оиламдан ажрашганман. Ҳозир онам билан яшайман. Ўзимнинг оилам, рўзғорим бўлишни хоҳлайман. Тиришқок, ўзига ишонган, мустақил фикрга эга, 30-35 ёшгача бўлган эркакга турмушга чиқсам

дейман. Чунки баъзи эркаклар арзимас сабаблар ёки оналарнинг гаплари би-

лан хотини ва болалари билан ажрашиб кетишарпти. Менга болалари, гулдек хотини бўла туриб оиласидан ажраб кетган эркаклар керакмас. Оиланинг қадрига етиб, фарзандларидан меҳрини аямаса, мен ҳам уни қадрлайман. Мен оила учун муқаддас. Уни эр ва хотин асраши керак. Ҳунарли ёки бирор касб эгаси бўлиб, рўзғорини эғлайдиган, уйли-жойли, меҳрибон умр йўлдошим бўлса, менга бундан ортиқ бахт керакмас.

МАРҒУБА

Янгийўл тумани

Сайёра исмли қозоқ қизининг тақдирини ўқиб, шу қиз билан танишиш истаги туғилди. Сайёра, менга хат ёзинг. Иккаламиз бир-биримизга маъқул келамиз деб умид қиламан.

Нурлан ЭРТОЕВ

Тошкент вилояти, Урта Чирчиқ тумани, к-3 Ким Пен Хава, Братская 27.

Менинг ёшим 49да. Савдо билан шугулланаман. Хотиним вафот этганига 5 йил бўлди. Ҳозирга қадар уйланмай юрибман. Газетанинг 32-сонида чоп этилган Манзура исмли аёлнинг дил сўзларини ўқиб, ўша аёл билан танишиб, маъқул бўлса, оила қуришга розиман. Манзураҳон, менга хат ёзинг.

Эгамберди ТЕМИРОВ

Бухоро вилояти, Гиждувон тумани, С. Айний ж/х., 9-бр.

Ёшим 52 да. Рафиқам оламдан ўтганда ўғлим 7 ёш эди. Қўнгли ўқимасин деб уйланмай ўтдим. Онасининг ўрнини билдирмай оқ ювиб, оқ тарадим. Мана энди улғайиб қолди. Яқинда уйлантирмоқчиман. Унга жуда ўрғин қолган эканман. Энди ёлғиз қолишимни ўйласам... Шу боис мени тушунадиган (ёши фарқи йўқ) аёл бўлса, тақдиримни боғламоқчиман. Иқтисодий жиҳатдан камчилигим йўқ, уй-жойли, касб-корлиман.

СОБИР

Тошкент шаҳри

Асли тошкентликман. Серфарзанд, меҳнатсевар оиланинг қизиман. Бўйим 165 см. Қадди-коматим келишган, саранжом-саришта аёлман. Маълумотим олий, ўқитувчиман. Уй-жойим, ҳамма нарсам етарли. Лекин, булар билан аёл ўзини бахтлиман, деб ҳис этмас экан. Турмушга чиқиб, кўп азоб-укубатларни, хўрланишларни бошимдан кечирдим. Фарзандим нобуд бўлган, ажрашдим.

Халқимизда: "Турмуш қуришни, фарзанд кўришни эрта-кечи йўқ", деган доно нақл бор. Шунга кўра, меҳроқибатли, аёлини қадрига етадиган,

мустақил фикрли, зарарли одатлардан холи, фарзанд ва оилани ҳамма нарсадан устун қўядиган, аёли вафот этган ёки қонуний ажрашган, ёши 40-47 ёшгача бўлган, тошкентлик (Қибрай, Зангиота, Тошкент туманларидан бўлса ҳам майли) инсон билан оила қуриб, бахтли бўлишни истайман. Ўзим ҳам бу инсонни бахтли қилишни, унга сеvimли, вафодор ёр ва шириндан-шакар болаларни онаси бўлишни орзу қиламан. Манзилим ва телефон рақамим, аниқ маълумотлар тахририятда.

АЗИЗА

Тошкент шаҳри

Бир қўшим "Оила ва жамият" газетаси орқали турмуш қуриб, хозир жуда бахтли яшашарпти. 2 та фарзанди бор. Бировнинг тақдирига биров сабаб бўлади, баъзан. Мен бир дугонанинг қизи туғрисида ёзмоқчиман.

Ёши 27 да. Исми Муниса. Ўзи жудаям чиройли, касби ҳисобчи. Нуфузли бир ташкилотда ишлайди.

Мен унга ортиқча таъриф бераётганим йўқ. Уни бир кўрган одам, яна бир кўрсам дейди. Аммо баъзан уларниқига борамиз, одоби, муомаласи, ораста-озодалигини кўриб: "Қани эди ўғлим бўлса-ю, келин қилсам", деб орзу қиламан.

Хозир кўпчилик қизлар ҳаётга енгил қорайди, вақтини беҳуда ишларга сарфлайди.

Муниса ундай қизлардан эмас. Онаси унинг тақдирдан ташвишда. Мен унинг бахтли бўлишини истайман.

Тошкентлик ёки Тошкент вилоятилик, ёши 27-35 гача бўлган (уйланган, фарзандсиз) йигит бўлса битта бахтли оила вужудга келишига ишонаман.

Қолган тулиқ маълумотлар тахририятда.

РАҲИМА

Тошкент шаҳри

Х. ХОТАМБОВЕВА тайёрлади

Ўзал Чирчиқ шаҳрида таваллуд топганман. Орзулар оғушида яшайман. Ҳозирги кунда 9-синфда таҳсил оламан. Орзуим Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институтига кириш ва албатта халқимиз учун садақатли бўлган "радио бошловчи" бўлишдир.

Сеvimли хонандам жозибали — Шаҳзода. Ниятларимдан бири шуки, "Оила ва жамият" орқали қалбимга яқин дўсту дугона орттириш. Азиз юртдошлар! Ўғил ёки қиз бўлишингиздан қатъий назар, менга мактуб ёзишингиз мумкин. Дўстлик риш-тасини қалбимда бир умр сақлайман, азизлар!

НИЛУФАРБОНУ

Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Рамазон кўчаси, 141-уй, инд. 702100

Қаддоним "Оила ва жамият": Сен туфайли орзу қилган ва кўнглим истаган ишончли дўст, дугоналаримни топдим. Менинг биринчи мактубим газетанинг 19-сонида чоп этилганди. Буни кўриб жуда-жуда қувонгандим. Аммо хат олишимга ишонмагандим. Биринчи мактубини олган куним ҳеч қачон ёдимдан чиқмас керак.

Ҳозир дўстларим жуда кўп. Йигирмадан ортиқ тенгдошларимдан мактублар олдим. Барчасига жавоб йўлладим. Мен улардан миннатдорман. Баъзиларидан хали жавоб мактуби келгани йўқ. Балки уй манзилларини нотўғри ёзишгандир?! Нима бўлганда ҳам, улардан умидимни узганим йўқ. Хат ёзишиб турган дўст ва дугоналаримдан жуда ҳам хурсандман. Улар билан турли мавзуларда фикр алмашмоқчимиз. Ҳозир мактублар ҳаётимнинг бир бўлаги десам ҳам бўлади. Мен ўзи учун дўст орттириш истагида бўлган тенгдошларимдан яна мактублар кутиб қоламан.

Махфуза УМБЕТОВА

Тошкент вилояти, Охангарон тумани, Озодлик к, ф/й, Мунчок-тепа маҳалласи 48-уй.

Мен Самарқанд вилоятидаги 2-сон тиббиёт билим юртида ўқиганман. Ўша билим юртини мендан 2-3 йил олдин битирган Нилуфар исмли тулгинга опамни изламоқдаман. Нилуфар опам асли Урганг туманидан келиб, кўп тармоқли болалар шифохонасида ҳамшира бўлиб ишлаётган эди. Нилуфар опа, балки сиз мени эслай олмасиз. Лекин сиз ҳамиша менинг ёдимдасиз. Туғриси, сизни жудаям яхши кўраман. Эслайсизми, Саида опаникида ижарада турганмиз. Илтимос, тулиқ манзилингизни хат орқали ёзиб юборинг. Шунингдек, турли вилоятлардаги тенгдош ўртоқларим, опа-сингилларим ва ака-укаларим билан дўст



бўлмоқчиман. Мен 1981 йил 12 июнь кунин Самарқанд вилояти Пахтачи туманида туғилганман. Оилада 7 та қизимиз. Опам ўқитувчи мен ва синглим ҳамширамыз. Касбимни жуда сеvаман. Ҳаёт йўли бир текис эмаслигини, бу йўллардан машаққатсиз ўтиб бўлмаслигини яхши тушунаман. Санъатга қизиқарман. Инсонлардаги яхши хислатларини ардоқлайман ва ўзимга улардан кераклигини оламан. Газета орқали фақатгина дилга яқин инсонлар билан танишишга умид қилиб қоламан.

Уролой ЗАРИПОВА

Самарқанд вилояти, Пахтачи тумани, Ш. Назаров ж/х, 5-бр., Қайшфуруш кишлоғи, инд. 704110

Мен ҳар -хил саргузашт воқеалар ёзишни, бадий китоблар ўқишни, шу билан бирга, дўст орттиришни яхши кўраман. Атрофимдаги инсонлар билан тез тил топишиб кетаман. Сизлар билан ҳам дўстлигимиз абадий ва самимий бўлишига ишонч билдираман.

Иқбол ЭШОНОВА

Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, П. Маҳмуд кўчаси, 32-уй.

Ёшим 18 да. Айни кунларда талабаман. Келажақда ҳуқуқшунос бўлмоқчиман. Оқ, ашил, қизил, кўк рангларни ёқтираман. Ҳақиқатни юзига айтадиган, ҳар доим ишонса бўладиган дўстларим кўп бўлишни ҳамиша орзу қилиб яшайман.

Нилуфар РАҲМОНОВА

Хоразм вилояти, Хива тумани, Рўзमत Мадаминов ж/х, бр/7, инд. 741419

Мен 1986 йил 26 мартда туғилганман. Ёшим 17 да. Айни кунларда ГДУ қошидаги Янгиер академик лицейида талабаман. Мен дўстини қадрлайдиган, беғараз сирлашадиган, ўзига яқин оладиган садақатли дўстларим жуда ҳам кўп бўлишни истайман.

Нодира РАҲАБОВА

Сирдарё вилояти, Меҳнатобод тумани, Қаҳрамон кўргони, "Болалар дунёси" кўчаси, 5/6-й, инд. 708190

Азиз мухлислар «Қайда ўзи ўша бахт?» ва «Келинг дўстлашайлик» рункларига йўллаётган мактубларингизда турар жойингизга қарашли алоқа бўлими манзили, паспорт маълумотномаси, абонент қутиси рақамини ва «Талаб қилиб олгунча» деб кўрсатишни унутманг. Бу хатларингизга тез жавоб олишингизга имкон беради. Телефон орқали маълумот берилмайди. Оила бўлимига доир масалалар бўйича тахририятга сешанба ва чоршанба кунлари муурожаат қилишингиз мумкин.

ТАХРИРИЯТ

# СОҒАТЛИКНИНГ ТАЪМИНИ ҲИС ЭТИНГ

Базида тўсатдан шўрми, нордонми, ширинми таом егингиз келиб қолади. Организм ўзида етишмаётган моддага бўлган эҳтиёжини ана шу тарзда билдиради. Турли органларимиз ўзларига нимадир етишмаслигидан хабар бериб туриши эканлигини биласизми? Келинг, ана шу ҳолат ҳақида батафсил фикрлайлик.

**Тилингизни кўрсатинг!** Тил-таъмини ҳис этиш имконини беради. Буни тилда жойлашган, аниқ таъмга жавоб берувчи рецепторлар амалга оширади. Ширин таъмини тил учи билан, шўрни эса тилининг ён қисми, аччиқни орқа қисми, нордон мазани эса тил устининг четки қисми билан ҳис қиламиз.

## Таъм билан даволаш нима?

Таъм билан даволаш қайси бир жиҳатлари билан игна билан даволашга ўхшаб кетади. Фақат оргрили органга нина билан эмас, таъм билан таъсир ўтказиш керак. Қадимда кишилар тилни организмга йўл очувчи «дарвоза» деб бежизга айтишмаган. Улар, ҳали илмий жиҳатдан тасдиқланмаган бўлса-да, тилда турли органларга таъсир ўтказувчи кўп рефлексогенлари борлигини ўша пайтдаёқ билишган.

Маълум таъмга эга емакни тилда узоқроқ ушлаб туриб, у ёки бу касалликни тузата олиш мумкин.

Олимлар таъмининг асосий 6 хилини аниқладилар: **ширин, нордон, шўр, тахир, аччиқ ва ёпишқоқ.**

**Ширин таъм** - имунитетни кучайтиради, овқат ҳазм қилишни яхшилаб, қон томирларни кенгайтиради. Ундан ташқари, буйрак шомоллашининг олдини олади. Шунингдек, ширинлик инсон организмнинг бўшашига, стрессларни енгишига жуда яхши таъсир кўрсатади.

Юрак хасталиги бор кишилар ёнида 1-2 та қанд бўлагини олиб юришса фойдадан холи бўлмайди. Агар юрак хуружига қарши суюқ дорилар қабул қилмоқчи бўлсангиз, дорини қанд бўлагига шимдириб, кейин есангиз бўлади.

Борди-ю, қон босимингиз ошса, дори ичганингиздан сўнг, тилингиз тагига бир қошиқ асал ёки мураббо кўйинг, озингизни бирор ширин қиём (сироп) билан чайинг.

Кўнглингиз айниса, бир кунда уч марта қора узум, ноқ, банандан тайёрланган ширинлик ёки бир рюмка ликёр ичиб юборинг.

Жигар хасталигида ҳар кун 4-5 қошиқ асал еб ту-

ринг. Ширин дорини ютишдан аввал, уни озингизда иложи борича узоқроқ ушлаб туринг.

Хотирани мустаҳкамлашда ва мия фаолияти яхшилашида ҳар кун 4-5 чой қошиқ шакарни озингизга солиб, шиминг. 15-20 дақиқадан сўнг эса озингизни яхшилаб чайинг. Кариесга чалинмаслиги учун, тишларингизни тозалаб ювинг. Бу ҳолни ҳар 2 ойда 10-12 кун такрорланг.

**Ёдингизда тутинг! Агар қандли диабет хасталиги билан оғриган бўлсангиз, «қанд терапия»ни амалга оширишдан аввал даволовчи врач билан маслаҳатлашинг.**

## НОРДОН ТАЪМ организмда

модда айланishi ни меъёрлаштиради, иштаҳа очади, овқат ҳазм қилишга, ичакни умуман организмни тозалашга, ҳарорат пайишига

ҳам фойда беради.

Гипотонияда ҳар кун эрталаб оғиз бўшлиғида бирор бир нордон нарсани, (ма-

салан, лимон бўлагини) ушлаб туриш керак. Ёки ярим стакан муздекина, шакарсиз олма шарбатини ичинг.

**Юқори ҳароратли касалликларда 1-2 дона лимонни стаканга эзиб олинг ва унинг устидан иссиқ сув кўйинг, сўнгра ҳар ярим соатда тайёр бўлган шарбатнинг 1/3 қисмини ичиб турунг.**

Овқат ҳазм қилиш бузилганда ҳар соатда янги тайёрланган лимон шарбатидан бир қошиқдан ичиб турунг. Шарбатни ютишдан аввал оғизда узоқроқ сақлаб туринг.

Кўнгил айнишида ҳам лимоннинг бир бўлагини ёки шавел барглари тилингиз остига ташлаб кўйсангиз, яхши фойда бе-

ради.

**Ёдингизда сақланг! Нордон таъм гастрит, кислота-лилик меъёрдан ошиб кетган ёки ошқозон яраси касалликларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун нордон дориларни ютманг, уларни оғизда бироз сақлаб, сўринг. Оғиз бўшлиғида бирор тошмаларингиз бўлса, нордон дорилар тавсия этилмайди.**

## ШЎР ТАЪМ

тозаловчи хусусияти билан, организмни кераксиз ва захарли моддалардан тозалайди. Шўр овқат ҳазм қилишни яхшилайди. Иштаҳа ва чанқоқни қактиради. Ундан ташқари, у организмда сувни меъёрда сақлашга хизмат қилади.

Сурункали қорин дам бўлишида ҳар кун эрталаб бир чой қошиқ туз солинган иссиқ сув ичинг ундан олдин эса, озингизни шўр сув билан чайинг.

Иштаҳа йўқолиб, танангиз оғир чарчоқни ҳис этса, овқатланишдан 15 дақиқа аввал тилингиз остига бир чимдим туз ташлаб кўйинг.

Совуқда организм иссиқлигини бир маромда сақлаш учун, вақти-вақти билан шўрданак, шўр бодринг каби нарсалар шошмасдан яхшилаб чайнаб, сўнгра ютинг.

Иссиқда организм сувсизланиб қолишдан сақлаш учун ҳар 2 соатда озингизни 2 чой қошиқ туз солинган сув билан чайқаб туринг.

**ТАХИР ТАЪМ** иштаҳасизликда, сийдик ҳайдовчи йўллари ва буйракни даволашда, организм захарланишининг олдини олишда жуда фойдали. Тахир таъм организмдаги орткич суюқликни тозалаш хусусиятга эга. Бундай маҳсулотларни кўп миқдорда истеъмол қилиш баъзан депрессияга олиб келиши ҳам мумкин.

Ошқозон бузилишида қоқиёт пояси, кофе доначаларини чайнанг ёки 50г. ароққа ярим чой қошиқ туз солиб, хўплаб ичинг.

Сўлак ажралишини яхшилаш учун, овқатдан олдин кофе донаси чайнаш ёки тахир таъмли шарбат ичиш тавсия этилади.

## ТИЛ МУОЛАЖАСИ - СОҒЛИҚ ФОЙДАСИ

Баъзан тил ҳам ўзига хос парварошга муҳтож бўлади. Ана шундай пайтларда ҳар кун тилингизни бармоқларингиз билан босиб, 5-7 дақиқа давомида уқаланг. Агар уқалаш давомида ўзингизни ноҳуш ҳис қилсангиз, бу усулни дарҳол тўхтатинг.

Юрак хасталикларидан тил учини уқаланг.

Нафас йўллари касалланганда тил устининг ён томонларини уқаланг.

Ошқозон ости безлари фаолиятини яхшилаш учун тилининг ўрта қисмини уқаланг.

Буйрак хасталигида тилининг ўзақ қисмини уқаланг.

## АЧЧИҚ ТАЪМ

овқат ҳазм қилишни ва иштаҳани яхшилайди, қон томирларни кенгайтиради, қонни тозалаб, организм қувватини оширади, кайфиятни яхшилайди. Ундан ташқари, микробга қарши жуда яхши курашади. Аммо



аччиқ таъм меъёридан ошса инсон табиатида жаҳлдорлик, таъсирланувчанлик хусусиятларини пайдо қилади.

Ангина, танзилит ва ўткир инфекцияцион касалликларни даволашда саримсоқ, пиёз ва қалампирга «суянсангиз» бўлади. Аччиқ таъмли дориларни тезда ютиб юборманг, уларни оғизда узоқроқ ушлаб туриш керак.

Организм имунитетини кўтариш учун айниқса, куз ёки баҳор ойларида, ҳар кун эрталаб ва кечқурун овқатдан сўнг 1-2 чой қошиқ қалампир қайнатмасидан ичиб туринг. Қайнатма қуйидагича тайёрланади. Қизил аччиқ қалампир донасини олиб, устига бир стакан сув кўйинг ва 20 дақиқа қайнатинг, сўнг оловдан олиб, совутинг. Уша қалампир донасини 3-4 стакан аччиқ дамлама тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Агар сиз исинмоқчи бўлсангиз (ёмғир остида қолган бўлсангиз, устингиз хўл бўлса, совуққотсангиз) 2-3

ош қошиқ қалампир дамла-масидан ичинг.

**Ёдда сақланг! Аччиқ таъмли нарсаларга ошқозон яраси бор, гастрит билан оғриган кишилар ўч бўлмаслиги лозим.**

## ЁПИШҚОҚ, ШИЛИМШИК

ТАЪМ диареяни тўхтатади, оғиз бўшлиғидаги жароҳатларни тузалишида, терининг рангини яхшилашда фойдали.

Тўғри, кўп миқдорда ёпишқоқликни ҳис этиш инсон руҳиятига ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Бу таъм кўрқувни, ўз-ўзига ишонмасликни, беҳаловатликни, ўз-ўзини орткич танқид қилишни юзага келтираркан.

Диарея (ич кетиш)да озингизни ҳар соатда бир стакан винонинг 1/4 қисми билан чайиб туринг, сўнг ютиб юборинг.

Қон ивишининг ёмонлашувида, гемоглабин миқдори пасайиб кетишида иложи борича кўп хурмо истеъмол қилинг.

## ЎЗИГА ХОС ҚОИДА

Таъм билишининг маълум бир қоидалари бор. Агар сизга тортиқ қилинган таомнаманинг асосий қисмини ширинлик ташкил этса, дастурхондаги бошқа таомларда биз билган 6 та таъмининг бирортаси бўлиши мумкин. Уларнинг баъзилари бир-бирини тўлдирари, ёки аксинча рад этади.


Масалан, торт бўлагини аччиқ кофе ёки нордон вино билан ейиш мумкин.

Агар таомингизнинг асосийси нордон, шўр ёки ёпишқоқ таъмли бўлса, у билан тахир, аччиқ ёки ёпишқоқ таъмли нарсалар ейиш мумкин аммо, шўр гўшти нордон портвейн билан баҳам кўриш асло мумкин эмас.

Агар бу қоидаларга амал қилинмаса, ошқозонинг овқат ҳазм қилишида «эринчоқлик» қилиб қолади. Табиийки, бу инсон саломатлигига ёмон таъсир кўрсатиши мумкин.

ХУЛКАР тайёрлади

**Таъм орқали даволашнинг бир жиҳати бор, яъни бу усулни жуда кучайтириб бўлмайди. Агар сиз нордон ёки ширин таъмини меъёрига етгунча тўплаган бўлсангиз, тил рецепторлари вақтинча иш фаолиятини тўхтади. Шу сабабли сиз ҳам вақтинча таъм билиш хусусиятидан маҳрум бўласиз.**





**15-28 СЕНТЯБР** — Кўпроқ аёллар ўз соғлиқлари ҳақида - ўйлашлари лозим. Айни шу кунларда танадаги касалликларга қарши курашувчанлик қобилияти бирмунча пасаяди. Сурункали, буйрак, сийдик йўли хасталиклари қайталанмаслигининг олдини олиш, жумладан, ҳар хил доривор ўтлар дамламасидан ичиб туриш тавсия этилади.

Ҳомиладор аёллар, айниқса ҳомиладорликнинг иккинчи босқичида бўлганлар буйрак фаолиятига эътибор беришлари лозим. Кўпроқ минерал сувлар ичиш, иложи бўлса, гўшти ва ёғли овқатлардан воз кечиб, полиз экинларидан бўлган озиқ-овқат ва ҳўл меваларни истеъмол қилиш тавсия этилади. Қанд хасталиги борлар шифокор кўригидан ўтганлари маъқул.

**15-16 сентябр** — Томоқ бези хасталиги кўзгаши мумкин. Доривор ўтлардан тайёрланган дамламалар

билан томоқларини чайишлари, лимонли, малинали чой ичиб туриш керак. Томоқ, бурун хасталиклари билан боғлиқ жаррохлик муолажаларини кейинга қолдирган маъқул. Ушбу кунлари, айниқса, **Сигир, Арслон ва Қовға** буржидагиларнинг соғлигида кўпроқ салбий ҳолат сезилиши мумкин.

**17-18 сентябр** — сурункали бронхит, астма хасталиклари кучаяди. Очиқ ва тоза ҳавода кўпроқ сайр қилиш, доривор ўтлар дамламасидан ичиш, шунингдек, ёш болаларни шикастлишлардан асраш тавсия этилади.

Ушбу кунлар **Эгизаклар, Бошоқ ва Балиқ** буржида туғилганларнинг соғлиқларида салбий ҳолат кўпроқ сезилиши мумкин.

**12-21 сентябр** — кўпчилик кайфияти ўзгарувчан бўлади. Гоҳ хурсанд, гоҳ ҳафа бўлиш ҳолатлари сезилади. Меъёрсиз овқат истеъмол қилиш оқибатида ошқозон, ичақларда оғриқ, пайдо бўлиш эҳтимоли бор. **Шундай** ҳолат юз берса, қайнатилган ярим литр илик сувга бир ош қошиқ асал, бир ош қошиқ шакар ва пичоқ учида озгина хамиртуруш солиб, аралаштириб овқатдан 3-4 соат олдин ичиш тавсия этилади. Ушбу кунларда **Қисқичбақа, Кўй**

лиятида салбийлик сезилиб, керакли дори бўлмағи қолса, дарҳол бир дона саримсоқ пиёз истеъмол қилсалар, яхши фойда беради. **Иссиқ** ҳаммомда ёки саунада чўмилишдан сақланганлари маъқул.

Ушбу кунлари **Бошоқ, Эгизаклар ва Ҳўтар** буржида туғилганларнинг соғлиқларига аҳамият беришлари керак.

**26-27 сентябр** — айниқса, буйрак хасталиги борларда ҳомиладор аёлларда салбий ҳолат кучаяди. Ҳомиладор аёлларга кўпроқ дам олишининг иложи бўлса, ҳар хил ичимликлардан кўра, минерал сувлардан ичиш тавсия этилади. Спиртли ичимликларни истеъмол қилиш зарарлидир. **Ошқозон бези хасталиги борлар учун, аҳволни яхшилашда сулидан бўлган шарбат, кисель жуда фойдали** ҳисобланади. Бунинг учун сулини худди сумалак учун бугдойни ўстиргандек ўстириб, ўсиб чиққан нишлари ажратиб олиниб ювилади, сўнг қуритилади. **Қуригач, ундек** майдаланади. Ун совук сувда қаймоқ қуюқлигида суюлтирилади ва устидан ярим стакан қайноқ сув кўшиб 1-2 дақиқа давомида қайнатилади. 20 дақиқа давомида сақланади. **Тайёр** бўлган киселдан ҳар куни овқатлинишдан 30 дақиқа олдин ичилади.

Ушбу кунларда **Тарозу, Қисқичбақа ва Тоғ эчкиси** буржидагиларнинг соғлиқларида кўпроқ салбий ҳолат сезилади.

**28 сентябр** — Асаблар таранглашиб, жаҳлдорлик кучайдиган кун. Ҳар хил воқеа-ҳодисалар, келишмовчи-



ва **Тарозу** буржидагилар соғлиги заифлашади.

**22-23 сентябр** — Хатто соғлиги жуда мустаҳкам бўлиб ҳеч нарсадан нолмайдиғанлар ҳам ўзларини оғир жисмоний меҳнатдан асрашлари керак. Айниқса, юрак, бел, оёқларида оғриғи борлар ўзларини жисмоний меҳнатдан асрашлари лозим. **Юрак қон томирлари фаолиятини яхшилаш учун эса кўпроқ саримсоқ пиёз қўшилган озиқ-овқатлардан истеъмол қилиш ва керакли муолажалардан фойдаланишлари тавсия этилади.** Агар юрак фао-

ликлар содир бўлиши мумкин. Шу туйғайли тан жароҳати олиш ҳам ҳеч гаф эмас. Бу кун ҳомиладор бўлиш учун ҳам ҳосиятсиздир. Кайфиятни яхшилаш учун асабларни тинчлантирувчи доривор ўтлар дамламаси фойда беради.

Шу куни **Чаён, Арслон ва Қовға** буржидагилар соғлиги заифлашади.

**Лола АҲМЕДОВА тайёрлади**

«Оила ва жамият» газетаси тахририяти мусахҳиҳ С. Саидолимовга укаси **Сайдиориф САИДАЛИЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ**

**Кўй (21.03 — 20.04).** - Ҳафта давомида жуда кўп одамлар билан учрашасиз. Кўпчилигининг диққат-эътиборида бўласиз. Сиз учун имкониятлар эшиги кенг очилади.

**СИГИР (21.04 — 21.05).** - Ҳаётингиздаги ҳар қандай ўзгаришлар сизнинг фойдангиз учун бўлади. Муҳими, ўзингиздан кучиларнинг ҳийласидан сақланинг.

**ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06).** - Атрофингиздагилар ишингизга ҳалақат беришгаётган бўлсалар-да, парво қилманг. Барча эътиборингизни бажараётган ишингизга қаратинг.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 — 22.07).** - Омад ўз-ўзидан келмайди. Қўл қовуштириб ўтирмасдан ўзингизни ишга урсангиз, охирида бунинг учун тақдирланасиз.

**АРСЛОН (23.07 — 23.08).** - Шу кунларда толиққанлигингизни ҳис қилаясиз. Ўзингиз ёқтирган дўстларингиз билан ҳордиқ чиқариш учун қулай фурсат.

**БОШОҚ (24.08 — 23.09).** - Кимдан қарз олган бўлсангиз, ҳафтанинг охиригача қайтаринг. Акс ҳолда, бу кайфиятигизга таъсир қилиб, хотиржам яшашингизга ҳалақат беради.

**ТАРОЗИ (24.09 — 23.10).** - Қуруқ гап билан иш битмайди. Ишга киришинг. Қаршингиздаги имконият эшиклари сизга беҳад муваффақият келтиришини унутманг.

**ЧАЁН (24.10 — 22.11).** - Сизни тижорат ишлари бўйича омадли ҳамкорлик кутаяпти. Фақат ҳамкорларингиз билан шартнома тузишда хатога йўл қўймаслигингиз керак.

**ҲЎТАР (23.11 — 21.12.).** - Ҳафтанинг чоршанба куни сизни ажойиб учрашув кутмоқда. Бу муҳаббат. Сиз бахт кунини қўлга киритасиз.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 — 20.01).** - Илм олишга берилиб, тўғри йўлни танлагансиз. Шу йўлдан адашманг. Ушбу ҳафтанинг бошланғичида оилангиз бироз нотинч бўлади.

**ҚОВҒА (21.01 — 18.02).** - Сиз истеъдодингиз билан шухрат қозонасиз. Аммо, катта бойлик орттиришга кўлам берилманг. Акс ҳолда, ютуқлар сизни тарк этиши мумкин.

**БАЛИҚ (19.02 — 20.03).** - Ўзингиздан кучсиз, ожизлар сиздан ёрдам сўраганида имкон қадар кўмаклашинг. Саҳийлигингиз боис обрўйингизга обрў қўшилиб, ишларингиз ривож топаверади.

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

**Оила ва жамият**  
Фойдаланилмаган кўлэмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб қилинмайди.  
Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

**БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА**  
Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20  
Табриқлар, эълонлар: 133-04-50  
Бўлимлар: Оила - 133-04-35, 134-25-46  
Бухгалтерия: 132-07-41  
Манзилими: Тошкент - 700000  
Амир Темуր кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.  
Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа компанияси босмахонасида чоп этилади. Тошкент, Буюқ Турон кўчаси, 41-уй.  
Босишга топшириш вақти - 20.00  
Босишга топширилди - 21.00  
Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

**ХОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» Акциядорлик компанияси**  
**ОБУНА ИНДЕКСИ - 176**  
Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасида № 33 рақам билан рўйхатга олинган.  
Буюртма Г - 836. Формати А-3, ҳажми 4 босма тобқ, Адади - 19112  
Саҳифаловчи — **Ақбар ШОДИЕВ**.  
Рассом — **Н. ҲОЛМУРОДОВ**.  
Навбатчи — **Х. ҲОТАМБОВЕВА**